

ЖИСМОНИЙ ШАХСНИНГ ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИГИ

Холтўраев Ғоибназар

“ESTE PRIME” адвокатлик фирмаси адвокат ёрдамчиси.

Аннотация: *Жисмоний шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги иш суд томонидан кўриб чиқилади. Қарздор пул мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига қарздорнинг ўзи ва кредитор эга.*

Калит сўзлар: *Банкротлик, пул мажбуриятлари, мулк, кредиторларнинг талаблари, қарздорлик айби, қарз*

Abstract: *The case of insolvency of individuals is considered by the court. The debtor and the creditor have the right to apply to the court with a petition for insolvency in connection with the default of the debtor.*

Keywords: *Bankruptcy, monetary obligations, property, creditors' claims, indebtedness, debt.*

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 12 апрелда ЎРҚ-763-сонли “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонун имзоланди. Қонун мазмунан кенгайтирилиб, “банкротлик” атамаси жаҳон тажрибаси талабларига мувофиқ “тўловга қобилиятсизлик” атамаси билан алмаштирилди. Мазкур қонун 17-боб, 249-моддадан иборат бўлиб, унинг 1-моддасида қонуннинг амал қилиши давлат муассасаларига ва бошқа ношижорат ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмаслиги, бундан матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклидаги фаолиятни амалга ошираётган юридик шахслар мустаснолиги белгиланган. Янги таҳрирда ишлаб чиқилган “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасида бизнес юритиш муҳитини янада яхшилаш, кредиторларнинг ҳамда хорижий инвесторларнинг банкротлик жараёнида кредиторлик қарздорликларини қайтариш кафолатларини янада кучайтириш, банкротлик таомиллари орқали иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ҳисобланади.

Жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги ушбу қонунга киритилганлиги ва унинг алоҳида процессуал тартибининг белгиланганлиги мамлакатимизда жисмоний шахсларга нисбатан ҳам тўловга қобилиятсизлиги тартибини қўллаш ҳамда ушбу ҳолат бутун дунё тажрибасининг қўлланилишига яққол мисол бўлади.

Хусусан, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг 14- боби Жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлигига бағишланиб, ушбу субъектнинг алоҳида хусусиятлари келтириб ўтилган.

Ушбу бобга кўра жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг 1, 2, 3, 5, 6 ва 7-бобларининг тегишли қоидалари қўлланган ҳолда амалга оширилади.

Шуни алоҳида кўшимча қилиб айтиў лозимки, Жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги қоидалар қонунчилигимизга киритилганидан сўнг жисмония шахсларни тўловга қобилиятсиз деб топиш қайси судлар томонидан кўрилади деган савол юзага келди. Жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексининг 25, 210-моддаларига кўра Иқтисодий судларнинг иш юритувига тааллуқли ҳисобланади.

Шунингдек, "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Қонуннинг 195-моддасига кўра жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги аломатлари қуйидагилар:

-Қарздор жисмоний шахснинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги;

-агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбуриятлари юзага келган кундан эътиборан уч ой ичида қарздор жисмоний шахс томонидан бажарилмаган ҳамда қарздор жисмоний шахсга нисбатан талаблар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида икки юз баробарини ташкил этиши

Қарздор жисмоний шахс, кредитор, шунингдек давлат солиқ хизмати ва бошқа ваколатли органлар жисмоний шахсни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин. Қарздор жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қуйидаги тартиб-таомиллар қўлланилади:

- қарзни таркибий жиҳатдан ўзгартириш;
- банкротликни тан олиш ва мол-мулкни сотиш

Жисмоний шахсни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза кредитор, давлат солиқ хизмати ёки бошқа ваколатли орган томонидан кредиторларнинг пул мажбуриятлари ва солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича мажбуриятларига доир талабларини тасдиқловчи суднинг қонуний кучга кирган қарори мавжуд бўлган тақдирда берилиши мумкин.

Жисмоний шахсни тўловга қобилиятсиз деб топиш ҳақидаги ариза кредитор томонидан қуйидаги талаблар бўйича берилиши мумкин:

- нотариал тарзда тасдиқланган битимлар асосидаги талаблар;
- нотариуснинг ижро ёзуви билан тасдиқланган талаблар;
- жисмоний шахс томонидан тан олинган, аммо бажарилмаган пул мажбуриятлари бўйича кредитор тақдим этган ҳужжатлар асосидаги талаблар;
- оталикни белгилаш, оталикни (оналикни) рад этиш ёки бошқа манфаатдор шахсларни жалб этиш зарурати бўлмаган вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш тўғрисидаги талаблар.

Жисмоний шахсни банкрот деб топиш ва унинг мол-мулкни сотиш тартиб-таомилини бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан жисмоний шахснинг аниқланган ёки мазкур тартиб-таомил бошланганидан кейин сотиб олинган барча мол-мулки тугатиш массасини ташкил этади, бундан «Суд ҳужжатлари ва бошқа

органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 52-моддасида назарда тутилган ҳамда ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк мустасно.

Яъни юқоридаги нормани шарҳлаб ўтадиган бўлсак, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 52-моддасида ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган, жисмоний шахс ушбу мулклар туфайли яшаши мумкин эмас деб ҳисобланган ҳолатда унинг ушбу мулклари сотилмайди ва жисмоний шахснинг ўз тасарруфида қолади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб жисмоний шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги юзасидан асосий фикрлар ва келажақда бўлиши мумкин бўлган кутилмаларни кўриб чиқамиз:

Биринчидан, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг амалиётда кенг қўлланилиши натижасида жисмоний шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги юзасидан кўриладиган ишлар доираси кескин равижда ошиши эҳтимоли мавжуд. Чунки ҳозирда “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг 195-моддасига мос тушадиган минглаб фуқаролар мавжуд.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йилдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги Қарорига асосан ҳам жисмоний шахсларни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар ҳажмини оширади. Негаки, янги тартибга кўра, қарздорнинг тўловга қобилияти мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам “Мажбуриятлар реестри”га киритилиши ҳамда тегишли таъқиқи ва секловлар 10 йил давомида сақланиб турилиши тўғрисидаги нормалар киритилган. Ушбу чеклов ва таъқиқлардан чиқишнинг самарали йўлларида бири сифатида жисмоний шахсларнинг тўловга қобилиятсиз деб топишдир.

Учинчидан, қонунчиликда асосий муаммолардан бири жисмоний шахсларни тўловга қобилиятсиз деб топиш юзасидан ишлар кўрилмаган ва келгуси йилларда қонунчилигимизда, умуман суд тизимида угбу ишлар тоифаси асосий ўриноарга кўтарилади.

REFERENCES:

1. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал ҳукуқи. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси.
2. Ибратова Ф.Б. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал ҳукуқи. – Тошкент: ТДЮИ. 2011. – 705 с.
3. Бурханходжаева Х. В., Хўжалик процессуал актлари (ҳужжатлари)ни расмийлаштириш. Дарслик. Тошкент: “Илм-Зиё”. 2006. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences VOLUME 2 | ISSUE 6 ISSN 2181-1784 Scientific Journal Impact Factor SJIF 2022:

5.947 Advanced Sciences Index Factor ASI Factor = 1.7 888 w June 2022
www.oriens.uz

4. Бурханходжаева Х. В. Хўжалик процессуал ҳуқуқи (услугий қўланма). – Тошкент: ТДЮИ, 2005. 5. Отахонов Ф.Х. Хўжалик процессида адвокатнинг иштироки (ўқув қўланма). –Т.: ТДЮИ, 2005. – 141б.

6. Дўстов У. Хўжалик юрутувчи субъектлар банкротлиги. Ўқув қўланма. Ю.ф.н., доцент Ф.Х. Отахоновнинг умумий таҳрири остида. Ғ Т.: ТДЮИ нашриёти. 2007.